

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY
KOMMUNIKATSII ALAR AGENTLIGI

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Tel.: (0-371) 244-32-87, Faks: (0-371) 244-26-50, 244-37-56
e-mail: umumiy@api.uz e-xat: api@exat.uz www.api.uz

O'z TIF Mening TShBB qoshidagi Amaliyot boshqarmasi, Bank kodi 00451, h/r: 20210000300102142001, STIR: 200898285, KTYaDR 97300



АГЕНТСТВО ИНФОРМАЦИИ
И МАССОВЫХ КОММУНИКАЦИЙ
ПРИ АДМИНИСТРАЦИИ ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100011, г. Ташкент, ул. Навои, д. 30,
Тел.: (0-371) 244-32-87, Факс: (0-371) 244-26-50, 244-37-56
e-mail: umumiy@api.uz e-xat: api@exat.uz www.api.uz

31.05.2019 йил № 05-66
dagi № _____ ga

“Ma'rifat va adabiyot”
масъулияти чекланган жамияти
директори Б.Каримовга

(100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кӯчаси, 32-уй)

**Қонун талаблариға зид ҳолатларни бартараф этиш юзасидан
ТАҚДИМНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон карори талабларидан келиб чиқиб, муассислигиниздаги “Адабиёт газетаси”нинг 2019 йил 15 майдаги 9-10-қўшма сони мониторинг килинди.

Газета 2017 йил 12 июлда 0926 ракам билан давлат рўйхатига олинган. Тахририят низомида газета ўзбек тилида, ойда уч маротаба, А-4 форматда, 32 саҳифада, 3000 нусхада чоп этилиши ва Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатилиши кўзда тутилган. Ихтисослиги – маънавий-маърифий ва бадиий. Бирок газетанинг 2019 йил 15 майдаги 9-10-қўшма сони А-2 форматда, 12 саҳифада, 5000 нусхада чоп этилган.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 11-моддаси талаблариға кўра, тахририят қонун хужжатларига мувофиқ кабул қилинган ва муассис томонидан тасдиқланган устав (низом) асосида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган.

Агар нашрнинг чиқиш даврийлиги ва ҳажми (формати) ўзгарган бўлса, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 20-моддаси талабига биноан муассис ёки тахририят киритилган ўзгартишлар тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни бир ой муддатда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Юқорида келтирилган ҳолатлар мазкур қонун талаблариға мувофиқ эмас.

Нашрнинг асосий мақсади “ўзбек адабиётининг энг сара намуналари, жаҳон адабиётининг сара намуналари ва эндиғина адабиёт остонасига қадам қўяётган ҳаваскор адабиёт ихлосмандларининг асарларини чоп этиши, матбуот орқали китобхонлик мұхитини шакллантиришига ҳисса қўшиши, шу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳалқимизни боҳабар қилиб бориши”дан иборат.

Газетанинг ушбу сонида “Мунавварқори – миллий университет асосчиси” (Сотимжон Холбоев), “Адоқсиз ўйлар” (Мавлон Умурзоков), “Профессор Қозоқбой Йўлдошев” (Ибодулла Мирзаев, Дилмурад Куронов, Ойдиннисо), “Мурод Мухаммад Дўст” (Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон, Набижон Боқий, Ашурали Жўраев, Бахтиёр Карим), “Мұхташам асарлар силсиласи” (Собир Сайхон), “Биз кетгач

янада ёришсин жаҳон!” (Ҳамроқул Асқар шеърлари), “Қардош халқлар ижодидан. Озарбайжон. Мирзо Алиакбар Собир” (шеърлар), “Воқиф Самадўғли: Биласизми, айтадиган қанча сўзим бор?” (ўзи хақидаги фикрлар ва шеърлари), “Денгиз қушлари” (Саломат Вафо ҳикояси) сарлавҳали материаллар эълон килинган.

Газета мониторинги Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хуқукий қоидалари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи конун ҳужжатлари талабларига зид келувчи камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Жумладан, газетанинг биринчи ва тўkkизинчи саҳифаларида чоп этилган шоир Ҳамроқул Асқар муаллифлигидаги шеърларда ўқувчининг ижтимоий онгги, дунёқарашига салбий таъсир этишта олиб келадиган сатрлар мавжуд.

Муҳаммад Юсуфга бағишлиланган “**Мархум дўстга мактуб**” шеъридан иқтиbos:

*“Устозлар ҳам кетдилар саф-саф,
Шоиган каби саҳарлик оишга.
Афсус, зулм бўлмади ҳеч даф,
Не кунларни солмоқда боишга.*

*...У дунёning зўрлари оина –
Пахта эк, деб бермасми озор?!*

*Дўкон тўла қўлбола ароқ,
Фоҳишадай сузади кўзни.
Не бўлса ҳам кайфимиз тароқ –
Шароб билан чалгитдик ўзни.*

*...Эркакларнинг ярми мардикор,
Колганлари бир-бир камокда.*

*Сайлоллар ҳам гарбона эмас,
Мақтанамиз, кўкрак керамиз.
Юкоридан буйруқ бўлса бас,
Ит бўлса ҳам овоз берамиз.*

*...Бир ҳисобдан яхши бўлгандир,
Бу кунларни кўрмаганинг ҳам”.*
(2005 йил Андижонда ёзилган шеърлар).

“**Эркаклар бош олиб кетмоқда элдан**” шеъридан иқтиbos:

*“Юртни ёв боссан йўқ, келган йўқ вабо,
Оҳу фарёдларга тўлди-ку ҳаво,
Ичимидан чиқди, бир дајсжол бало –
Эркаклар бош олиб кетмоқда элдан”.*

“**Шоирларнинг маъшуқаларига**” шеъридан иқтиbos:

*“Чор атрофи тўла душмандир,
Шароб иchar гадойлар билан.
Дон Кихотдай олишар тинмай,
Саройдаги худойлар билан”.*

“Ислом Каримовнинг битта оғзаки буйруги билан камоққа олиниб, 24 йил зинданда ўтирган Олий Мажлис депутати Самандар Кўқонов монологи” – “Самандар” шеъридан иқтибос:

“Мана офтоб порлаб, золим бўлди даф,
Мазлумлар кетма-кет бўлмоқда халос.
Ватан озодлиги энг буюк шараф,
Бизлар ўликлардан олмаймиз қасос!

*Қолган хоинларни қабрига қўйсак,
Кўрқоқнинг боласи золимга қулдир.
Тик туриб яшадик, тик туриб ўлсак,
Авлодимга қолар меросим шулдир”.*

Ушбу шеърларда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти номи аламзадалик билан қоралангани нашр ўкувчилари онгида Ислом Каримов ҳақида нотўғри тасаввурни уйғотиши мумкин.

“Мунавварқори – миллий университет асосчиси” (*Сотимжон Холбоев, тарих фанлари номзоди*) сарлавҳали материалдан иқтибос:

“Хозирги ҳалқнинг маърифати билан қизиқмайдиган қурумсок бойлардан фарқли равишда ўша пайтдаги бойлар Мунавварқорининг ҳаракатини тўғри англаб камбагалларнинг фарзандларига ҳам беҳисоб хайрия қилдилар” тарзида тадбиркорлиги, ҳалол меҳнати билан бойиган инсонларнинг номини коралашга уриниш бўлган.

“Адоқсиз ўйлар” (*Мавлон Умурзоков, собиқ давлат маслаҳатчisi*) сарлавҳали материалдан иқтибослар:

“Кизил империянинг 74 йиллик ҳукмронлиги даврида бирор-бир ижодкор ўзининг тўғри, адолатли фикрини рўй-рост айтольмасди. Адолатли сўз айтишининг азобини элимиз сўйган, ардогида бўлган ижодкорларимиз совуқ Сибирь ўрмонларида бошидан кечирдилар.

Мустакиллик йилларида бу жараён кучайса-кучайдики, лекин пасаймади. Натижада, ижодкорларнинг айримлари чет эллардан қўним топишди, бошқалари Сибирь ўрмонларидан ҳам мудхиширок юртимиз қамоқхоналарини ўзларига “ошён” қилишиди...

Мустакилликнинг сўнгги йилларида юртнинг қатагонга айланишига асосий сабаб — яккаҳокимлик балосидир!”.

“Ўзи муаллақ, ердан аллақачон оёги узилган раҳбарнинг юкори минбардан туриб: оёғимиз ердан узилмаслиги керак, – деган носамимий хитобини, шубҳасиз, хеч ким тушунмайди. “Кани эди имконим бўлса ҳаммангизни бағримга боссам деса-ю, юзлаб элдошларимиз “Борса – келмас” қамоқхоналарида азоб чекаётган бўлса? Халкин алдаб бўладими?

...Мустакилликнинг сўнгги йигирма йили давомида яккаҳокимлик бошқарув шакли кучайди. Раҳбариёт атрофида лаганбардорлар, шахсий манфаатини ҳалқ

манфаатидан устун кўядиган, куч ишилатор тизимда эса калла оладиган кадрлар йизила бошлади”.

Ушбу материалда ҳам Ислом Каримовнинг мамлакатимизга раҳбарлик қилган даври, унинг фаолияти ва номини коралашга уриниш кўзга ташланади.

“Мурод Мухаммад Дўст” сарлавҳали материалда ёзувчи Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон томонидан ёзилган тўйхатдан иктибос:

“Ижод аҳли неча ўн ийлардан бери ичидаги ивирсиб, торлигидан бир-бирига туртениб-суртениб юрган, кўзлар кўниккан, қалблар кўнган ижод қолитини сал бурун Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов каби устозлар қисман синдира олган бўлса, Мурод ака ва унинг авлоди — Шавкат Раҳмон, Мухаммад Солиҳ, Эркин Аъзам, Хурийд Дўстмуҳаммаф, Хурийд Даврон ва бошқалар тўла ёриб чиқди”.

Ушбу иктибосда Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон томонидан ўзи хорижда туриб, Ўзбекистон Республикасининг бугунги сиёсати, амалдаги давлат тузумига карши кескин фикрлар билдириб келадиган (Салой Мадаминов) Мухаммад Солиҳ номи тилга олинган.

Ушбу материалда ёзувчи Набижон Бокий томонидан ёзилган тўйхатдан иктибос:

“Риторик саволларнинг жавоби ўзи билан. Лекин фақат Мурод Мухаммад Дўстнинг ўзи ҳакиқий жавобини биладиган битта жумбоқ бор: чорак аср муқаддам, иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ президенти генерал Эйзенхауэрнинг океан соҳилидаги боз-ҳовлисида Рамазон ойида уюштирилган муҳолифат лидери билан хуфёна учрашув чоғида нима гаплар бўлганини ошкор этиши вақти келмадими кан? Сиз “собиқ дўст”ни Ўзбекистонга бош эгиб келишига кўндиримоқчи бўлганмисиз ёки тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлмоқ афзаллигига икковлон қатъян икрор бўлганмисиз? Товланмайдиган, турланмайдиган, тусланмайдиган битта замондошим борлигидан ич-ичимда фахрланиб юраман. Кай юртда яшаса ҳам жони омон бўлсин, дейман”.

Мазкур иктибосда Набижон Бокий Мурод Мухаммад Дўстни 70 йиллик юбилеи билан табриклиш асносида Мухаммад Солиҳга бўлган эҳтиромини ҳам очик билдиргани аёнлашади.

Ушбу материалда “Адабиёт газетаси” мұхаррири Бахтиёр Карим томонидан ёзилган тўйхатдан иктибос:

“Ака девонда ишилаганларида чақиригандар — бормаганимда хафа бўлганлар. Кейинроқ, 3-4 йил ишисиз юрганимда афсусланган пайтларим ҳам бўлган. Бугун сарой ўйинларини матбуотда бераётганимда ўша афсус-надоматлар йўқ бўлгани ҳам рост”.

Мазкур иктибосда Бахтиёр Карим ўзини “сарой ўйинларини матбуотда бераётган” адолатпарвар қилиб кўрсатгани ойдинлашади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ўқувчи онги, айниқса, ёшларнинг ижтимоий дунёкарашига салбий таъсир қилиб, газетхонда мустақилликнинг сўнгги 20 йилида Ўзбекистонда деспотизм, яккаҳокимлик кучайган, ёзувчи ва шоирларнинг ижод эркинлиги бўғилган, мамлакат раҳбарияти саройларида турли бузгунчи ўйинлар ва фитналар авж олган, деган нотўғри тасаввурни шакллантиради.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 5-моддаси талабларига асосан оммавий ахборот воситалари

тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари эълон килинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминлангани, ҳаққоний бўлиши кераклиги, ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталашибдириш, оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига эришишда қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслиги зарур. Юқорида келтирилган ҳолатлар мазкур қонунлар талабларига зид.

Саломат Вафонинг “Денгиз қушлари” сарлавҳали ҳикоясида ўзбек тилининг асосий имло қоидалари бузилгани аниқланди. Масалан, “куйламишди” сўзи “куйламишди”, “онгу шуури” жуфт сўзи “онгу-шуури”, “хиёл” сўзи “ҳиёл”, “қисм” сўзи “қисим”, “жомеъ” сўзи “жомеъ”, “хароб” сўзи “хароб”, “уст-бошини” жуфт сўзи “уст- бошини”, “Туркиянинг” сўзи “туркиянинг”, “дупур-дупур” жуфт сўзи “дупур- дупурм”, “хукмронлик” сўзи “хукмронлик”, “баландликда” сўзи “баландикда”, “хаёлига” сўзи “хаёлига”, “толеъ” сўзи “толеъ” тарзида нотўғри ёзилган.

Шунингдек, ушбу ҳикояда нуқта (.) ҳамда вергул (,) тиниши белгиларидан кейин бошланадиган сўзлар ажратилмаган ҳолатлар мавжуд: “...киради.Миясининг...”, “...ўтишиди.Ҳавода...”, “...эди.Бу...”, “...ҳижсобли,аллақайси...”, “...эди.Сон-саноқсиз...”, “...қўнарди.Балки...”.

Ҳикояда керакли сўроқ (?) белгиси қўйилмаган сўроқ гаплар ҳам борлиги кузатилди: “Қандай қушлар бўлди булар”, “Бу туфли, ковуши, оёқ қопи, пояфзалнинг сони қанча бўлди экан”.

Тахририятнинг ўзбек тилига оид имло ва стилистика қоидаларини бузиб талқин қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган “**Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари**”га мувофиқ эмас.

“Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси талабларига мувофиқ, давлат тили расмий амал қиласидан доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилиши лозим.

“Истеъмолчиликни хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига кўра, ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт. Юқорида келтирилган ҳолатлар мазкур қонунлар талабларига зид.

Газетанинг чоп этилишига доир маълумотларида нашр чиқарилиши учун масъул бўлган таҳририят ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган.

Мазкур ҳолат “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 18-моддаси талабларига мувофиқ эмас.

Муассис ва таҳририят томонидан юқорида таъкидлаб ўтилган қонунбузилиш ҳолати келгусида такрорланмаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, унинг давом этиши жiddий ҳукуқий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида огоҳлантирилади.

Маълумот ўрнида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон қарорига асосан Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ахборот соҳасида фаолиятни амалга оширувчи барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, махаллий ижро этувчи хокимият органлари, бошка ташкилот ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, талаб қилинади:

- ушбу тақдимномани зудлик билан таҳририят ходимларининг умумий йигилишида муҳокама қилиш;
- аникланган қонунбузилиш ҳолати, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шартшароитларини бартараф қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш;
- қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий чоралар қўллаш;
- келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- кўрилган чора-тадбирлар натижаси ҳақида **Агентликка ўн кун муддатда ёзма равища**да маълумот киритиш.

Директорнинг
биринчи ўринбосари

А. Ходжиметов